

производства, разработки эффективных мер по рациональному использованию энергоресурсов;

- необходимо сформировать и усовершенствовать правовую базу государственной поддержки и поощрения использования возобновляемых источников энергии.

На наш взгляд, эффективными экономическими опорами перехода к «зеленой экономике» должны стать:

- формирование системы «экологического» налогообложения экологически вредной деятельности, совершенствование системы

оценки природных ресурсов и устранение неэффективных субсидий;

- проведение политики государственных закупок для поощрения производства экологически чистой продукции;

- увеличение государственных инвестиций в инфраструктуру «зеленой экономики» и восстановление природного капитала;

- внедрение системы адресной государственной поддержки научных исследований и разработок, связанных с созданием экологически безопасных технологий.

Источник и литература:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4477. Об утверждении Стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019 — 2030 годов. 04.10.2019 года
2. *Blueprint for a green economy: David Pearce, Anil Markandya and Edward B. Barbier. Earthscan, London, Great Britain, 1989. 192 pp.*
3. *Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности / Штайнер А., Айрис Р., Бэсса С. И др.: ЮНЕП/Грид Арендаль, 2011. С. 17.*
4. *Зомонова Э. М. Стратегия перехода к «зеленой» экономике: опыт и методы измерения : аналит. обзор / Федер. гос. бюджет. учреждение науки Гос. публич. науч.-техн. б-ка Сиб. отд-ния Рос. акад. наук, Байкальский институт природопользования Рос. акад. наук. – Новосибирск: ГПНТБ СО РАН, 2015. – 283 с. – (Сер. Экология. Вып. 104).*
5. *Kennet, M. Green Economics: Setting the Scene. Aims, Context, and Philosophical Underpinning of the Distinctive New Solutions Offered by Green Economics / M. Kennet, V. Heinemann // International Journal Green Economics. – 2006. – Vol. 1, N 1/2. – P. 68–102*
6. *Концепция обеспечения Республики Узбекистан электрической энергией на 2020-2030 годы. <http://minenergy.uz/ru/lists/view/77>*
7. <http://pubdocs.worldbank.org/en/615901492520591351/Uzbekistan-Wind-Power-ru.pdf>
8. *Конференция ООН по окружающей среде и развитию (КОНОСР), Рио-де-Жанейро, 3-14 июня 1992. Неофициальное название – «Саммит Земли».*
9. *Занимательные факты о мусоре. <http://sifania.by/novosti/interesnyefakty>.*
10. *Карпова, Г.А., Разумовский, В.М. Проблемы экологизации планирования регионального развития // Журнал правовых и экономических исследований. - 2016. - №1. - С.118-123.*
11. *Бобылев С. Устойчивое развитие: парадигма для будущего // Мировая экономика и международные отношения. 2017. № 3. С. 107-113.*
12. *Пакина А. А., Горбанёв В. А. Перспективы зеленой экономики как новой парадигмы развития // Вестник МГИМО-Университета. 2019. № 12 (5). С. 134-155.*
13. *Савченко А. Б., Бородин Т. Л. Зеленая и цифровая экономика как инструмент устойчивого развития урбанизированных территорий // Известия Российской академии наук. Серия географическая. 2020. № 2. С. 310-320.*
14. *Сухарев О. С. Экономический рост быстро изменяющейся экономики: теоретическая постановка // Экономика региона. 2016. Т. № 2. С. 359-370.*
15. *Бокарев А. А., Яковлев И. А., Кабир Л. С. «Зеленые» инвестиции в России: поиск приоритетных направлений // Финансовый журнал. 2018. № 1. С. 40-49.*



**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИДАГИ
ХАВФСИЗЛИГИ: ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ВА ТАҲДИДЛАР**

Асабоев Алишер Суюндиқович -
Ўзбекистон Республикаси Стратегик
таҳлил ва истиқболни белгилаш олий
мактаби мустақил тадқиқотчи

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a21

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти таҳлил қилинган ҳамда мазкур соҳадаги хавфлар аниқланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳияти ва пандемия шароитида импорт ҳамжи сўнги йиллар кесимида таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га эҳтимолий аъзо бўлишида ташқи савдо фаолиятида ижобий ва салбий томонлари баён қилинган. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги хавфсизлигини таъминлашга доир муаллиф томонидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ташқи иқтисодий фаолият, либераллашув, ташқи иқтисодий хавфсизлик, экспорт, импорт, ташқи савдо, иқтисодий хавфсизлик, интеграция, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ).

**БЕЗОПАСНОСТЬ УЗБЕКИСТАНА ВО ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ:
ИНТЕГРАЦИЯ И УГРОЗЫ**

Асабоев Алишер Суяндикович -

*Высшая школа стратегического анализа и
прогнозирования Республики Узбекистан
Самостоятельный исследователь*

Аннотация. В статье анализируется внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан и выявляются риски в указанной сфере. Кроме того, проанализирован экспортный потенциал республики и объем импорта в условиях пандемии в разрезе последних лет. Обозначены положительные и отрицательные стороны возможного членства Узбекистана в рамках Всемирной торговой организации (ВТО). Автор разработал предложения по обеспечению безопасности внешнеэкономической деятельности Узбекистана.

Ключевые слова: внешнеэкономическая деятельность, либерализация, внешнеэкономическая безопасность, экспорт, импорт, внешняя торговля, экономическая безопасность, интеграция, Всемирная торговая организация (ВТО).

**SECURITY OF UZBEKISTAN IN FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY:
INTEGRATION AND THREATS**

Asabayev Alisher Suyundikovich -

*Higher School of Strategic Analysis and
Forecasting of the Republic of Uzbekistan
independent researcher*

Abstract. In this article has been analyzed the foreign trade activities of the Republic of Uzbekistan and identifies the risks in this area. Also, the export potential of the Republic of Uzbekistan and the volume of imports in the context of a pandemic have been analyzed in recent years. The positive and negative aspects of possible membership of Uzbekistan in the World Trade Organization (WTO) are indicated. The author has developed proposals to ensure the security of Uzbekistan in foreign trade.

Keywords: foreign economic activity, liberalization, foreign economic security, export, import, foreign trade, economic security, integration, World Trade Organization (WTO).

Кириш. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда замонавий жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараёнлар ҳар томонлама ўзаро алоқаларни ўрнатишнинг заруратини вужудга келтиради.

Бу эса ўз навбатида, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишда ташқи иқтисодий фаолият халқаро ҳамкорлик учун очиқ ва эркин бўлиши лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Халқаро муносабатларда очиқ ва амалий, фаол ташқи сиёсат олиб борилаётгани туфайли ишончли ҳамкор сифатида мамлакатимизнинг халқаро обрўси тобора ортиб бормоқда. Барча қўшнилари билан дўстона ва ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан бирига айланди. 2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та

лойиҳа амалга оширилмоқда”, – деб таъкидлаган [1].

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш истиқболи ва МДҲ давлатлари эркин савдо зонаси, Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи сифатида кириши шароитида миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва инновационлиги алоҳида эътибор бериш талаб этилмоқда. Чунки давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги нуқтаи назаридан қаралса, бундай шароитда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган таҳдидлар пайдо бўлиши мумкин.

Шунингдек, халқаро муносабатларнинг глобаллашуви мигрантлар ва улар орасида, айрим ишчилар, оилалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзгартиришда ҳамда молиявий ноаниқлик билан боғлиқ хавф-хатарнинг ортишида намоён бўладиган муайян таҳдидлар ўрин олиши ҳақида турли қарашлар илгари сурилган.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобаллашув жараёнлари, мамлакат иқтисодиётини четдан барча турдаги ресурсларнинг эркин оқиб келиши учун очиқ қўйиш

билан бирга миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг маҳаллий тизимларини синдириши ҳам мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Шу боис глобаллашув жараёнининг ижобий томонлари ва унинг мамлакат иқтисодий хавфсизлиги учун таҳдид эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир давлатдан ўзининг миллий хавфсизлигини таъминлаш концепциясининг янги йўналишларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, иқтисодий интеграциянинг ривожланиши, шунингдек, халқаро иқтисодий ташкилотлар, биринчи навбатда, Жаҳон савдо ташкилотининг экспорт-импорт операциялари тартибига таъсири билан боғлиқ иқтисодий таҳдидларнинг янги турлари мавжуд. Қолаверса, ҳозирги вақтда ташқи иқтисодий фаолиятнинг иқтисодий хавфсизлиги соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар бир томонлама бўлиб, бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқни қўллаш механизмларидан фойдаланишга ёрдам бермайди [2].

Ҳ.П. Абулқосимовнинг тадқиқотларига кўра, давлат томонидан амалга ошириладиган мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти кундалик ва стратегик мақсадларга мувофиқ унинг ташқи иқтисодий сиёсатига асосланган. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсати деганда, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва тартибга солишга қаратилган фаолият тушунилади [3].

Шу жиҳатдан ҳам ушбу мавзу долзарб бўлиб, илмий тадқиқот ва таҳлиллар натижасида ташқи иқтисодий фаолият жараёнидаги хавф ва таҳдидларни олдиндан аниқлаб, таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий хавфсизлик ва унинг таркибий қисмларидан бири бўлган ташқи иқтисодий фаолият хавфсизлиги тушунчаси мамлакатимизда сўнгги ўн йилликда ўрганилаётган йўналишлардан бири ҳисобланади.

Жумладан, тадқиқотчилар Б.И.Исроилов ва Б.Б.Ибрагимов илмий изланишларига мувофиқ, иқтисодий ўсиш ва иқтисодий хавфсизлик ҳолатларини баҳолаш мақсадида глобаллашув жараёнларининг уларга таъсирини ҳар тарафлама таҳлил қилиш ҳамда иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар таркибини ўрганишда стратегик маҳсулотларни аниқлаш, импорт таркибини таҳлил қилиш каби меъёрларга асосланиши керак [4].

Хорижий тадқиқотчилар орасида М.Кахлер (M.Kahler): “глобаллашув иқтисодий хавфсизликнинг анъанавий таърифига “путур етказди”, у бошқа давлатларнинг иқтисодий

заифлигига қаратилган ҳаракатдир. Шу билан бирга, глобаллашув нодавлат сектор субъектларининг трансчегаравий тармоқлари билан боғлиқ хавфлари, шунингдек, янги муҳитнинг иқтисодий ўзгарувчанлиги нуқтаи назаридан иқтисодий хавфсизликнинг қайта баҳоланишига сабаб бўлади,” – деган фикрни илмий исботлаган [5].

Шу билан бирга, иқтисодий интеграциялашув жараёнини такомиллаштириш масалаларида МДҲ маконидаги иқтисодий интеграция жараёнлари ва унинг мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигига таъсири масалалари бўйича Б.Султанова, Г.Д.Бузрукова, Ю.Никитина каби тадқиқотчилар ҳам ўз илмий қарашларини баён этишган. Улар илмий изланишларида интеграциянинг мамлакат суверенитетига таъсири масаласига алоҳида эътибор қаратишган [19].

Иқтисодий интеграция моделлари К.Багдасарян[20] илмий тадқиқотларида таҳлил этилган. Олим минтақавий интеграцияни маълум конструкция модели сифатида тадқиқ этган ҳамда унинг тузилмасига тавсиф берган, уларни фарқловчи белгиларини таснифлаган.

Ҳақиқатан ҳам, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида глобаллашув хавфсизлик чораларини ишлаб чиқиш, стратегик жараёнлар, тармоқлар ва маҳсулотларни олдиндан режалаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш эса иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий кенг қўламли стратегик тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Бу, энг аввало, мамлакатнинг экспорт, импорт таркиби ва уларнинг географиясини, шунингдек, стратегик маҳсулотлар импортини ҳам таҳлил қилишни назарда тутати.

Россиялик тадқиқотчи С.А.Коноваленко фикрига кўра, иқтисодий хавфсизлик давлатнинг ташқи иқтисодий соҳада юзага келадиган хавфлардан ҳимояланганлик даражаси ҳисобланади. У ташқи хавфларга ташқи савдонинг манфий сальдоси, импорт маҳсулотларнинг миллий маҳсулотларни ички бозордан сиқиб чиқариши, мамлакатнинг валюта захиралари камайиши каби бир неча омилларни кўрсатган [6].

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш самарадорликнинг натижавий кўрсаткичидир, чунки у иқтисодий тизим интеграция имкониятларининг сифат ва миқдорий тавсифини беради. Асосий миқдорий кўрсаткичларга миллий иқтисодиётнинг очиқлик даражаси, ташқи савдо баланси, импорт ҳажми, экспорт ҳажми, экспорт ва импортнинг товар таркиби, ЯИИДа хорижий инвестицияларнинг улуши кабилар кирди [7].

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги даврда иқтисодчилар ва сиёсатчилар давлатларнинг

иқтисодий ва сиёсий интеграцияси феноменига, юқорида номлари келтирилган халқаро ташкилотлар фаолиятига катта қизиқиш билдираётган бўлса-да, мамлакат хавфсизлигига оид кўплаб масалалар ҳали ўз ечимини топгани йўқ.

Мавзуга оид фундаментал тадқиқотлар миқдори катта эмас. Бунга асосий сабаб Ўзбекистон ва “бошқа МДХ мамлакатларининг” иқтисодий блоклардаги фаолияти илк босқичидалигидир [8].

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани ёритишда статистик, таққослаш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлил, абстракт мантиқий таҳлил, аналитик таҳлил, иқтисодий математик усуллардан фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, ташқи иқтисодий фаолиятда интеграция ва хавфсизлик масалалари кенгроқ қилиб ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммоларни тезкорлик билан аниқлаш ва муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ҳамда мушоҳада қилиш асосида илмий хулосаларга келинди. Тадқиқот объекти сифатида мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолияти таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар. Юқорида келтирилган мулоҳазаларни иқтисодий таҳлилларда

кўриш мавзунини кенгроқ ўрганиш имконини беради. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг тезлашиши, мамлакатнинг рақобат устунлигига эга бўлиши ва ташқи савдода хавфсизликнинг таъминлаши фақат табиий ресурслар ва хомашёга эга эканлиги эмас, балки жаҳон бозорида ўз товарлари билан савдо қила олишига ҳам боғлиқдир. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро савдо жараёнларида ўз ўрнига эга бўлиш мақсадида йил сайин ўз ташқи имкониятларини ошириб, экспорт таркиби ва географиясини кенгайтириб бормоқда. Мисол учун, бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 171 та мамлакати билан савдо алоқаларини амалга ошириб келади. Асосий савдо ҳамкорлари сирасига Хитой Халқ Республикаси (18,2 %), Россия Федерацияси (17 %), Қозоғистон (10,4 %), Туркия (8,7 %), Корея Республикаси (4,6 %), Қирғизистон Республикаси (2,4 %) ва Афғонистон (2,0 %) киради [9].

Ўзбекистоннинг 2016-2020 йиллардаги ташқи савдо айланмасини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу давр мобайнида экспорт ҳажмининг импорт ҳажмидан паст бўлганини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

2016-2020 йилларда Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт ҳажми, млрд. доллар [10]

| | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|---------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Экспорт ҳажми | 12094,6 | 12553,7 | 13990,7 | 17458,7 | 15200 |
| Импорт ҳажми | 12137,6 | 14012,4 | 19439,2 | 24292,3 | 21100 |

Пандемия таъсирида бўлган 2020 йилнинг натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, йил давомида Ўзбекистоннинг ташқи савдодаги асосий шериги сифатида Хитой қайд этилган. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 6,43 миллиард АҚШ долларини ташкил қилиб, шундан 1,93 миллиард АҚШ доллари экспорт улушига тўғри келган. Ўзбекистоннинг савдо шериклари орасида Россия иккинчи ўринда бўлиб, экспорт ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Кейинги ўринларда Қозоғистон, Жанубий Корея, Туркия, Қирғизистон, Германия жой олган.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича 10 та йирик ҳамкор давлатлар орасидан фақат 2 таси, яъни Қирғизистон ва Афғонистон билан фаол, қолган 8 та давлатлар билан пассив ташқи савдо баланси кузатилган [11].

2016-2020 йилларда Ўзбекистоннинг экспорт таркибига назар ташлайдиган бўлсак,

экспорт ҳажмида асосий улуш олтин ва озиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келган.

Аммо 2020 йилдаги экспорт таркибида ҳолат 2016-2019 йиллардагидан фарқ қилади. Жумладан, 2016-2019 йилларда пахта толаси экспорти қисқариб борган бўлса, 2020 йилга келиб, 9,04 фоизни ташкил этган ва 7,4 фоизга ошиши кузатилган. Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари экспортида, аксинча, тушиш кузатилиб, 2020 йилда 5,91 фоизни кўрсатган. Тўқимачилик ва тўқимачилик буюмлари экспортида ҳам пасайиш кузатилган.

Ўзбекистон 2020 йилда 70 та хорижий давлатга қиймати 1,9 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган. Пандемия натижасида тўқимачилик маҳсулотлари экспорти тушишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғриси-

да”ги фармонига мувофиқ, маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдоларида 2020 йил 1 апрелга қадар миллий валютада сотилган пахта толаси учун якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддатини 90 кундан 150 кунгача узайтириш кўзда тутилган эди. Тўқимачилик ва

тўқимачилик буюмлари экспорти қисқаришининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларга қарамай, пандемиянинг таъсири натижа-сида халқаро савдо жараёнларида пасайиш кузатилди [13].

2-жадвал

Ўзбекистоннинг экспорт таркиби, 2016-2020 йиллар бўйича фоизда [12]

| | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|--|---------|---------|---------|---------|---------|
| Пахта толаси | 5,3 | 3,8 | 1,6 | 1,6 | 9,04 |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | 5,7 | 7,0 | 7,8 | 8,8 | 8,8 |
| Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 7,0 | 7,0 | 6,5 | 5,0 | 5,4 |
| Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | 14,2 | 12,8 | 19,1 | 14,5 | 5,91 |
| Машина ва асбоб-ускуналар | 1,8 | 2,1 | 1,5 | 2,4 | 3,0 |
| Тўқимачилик ва тўқимачилик буюмлари | 7,6 | 9,0 | 9,3 | 9,3 | 3,45 |
| Олтин | 23,2 | 26,0 | 20,8 | 28,2 | 38,3 |

Аҳамиятлиси шундаки, 2020 йилда машина ва асбоб-ускуналар экспорт таркибида 3,0 фоизни ташкил этган ва бошқа йилларга нисбатан ошганлиги кузатилган (2-жадвалга қаранг).

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, мамлакат экспорти таркибида

хомашё маҳсулотлари экспорти деярли 60 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич мамлакатда қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ҳажми ва экспорт таркиби рақобатбардошлигининг пастлигидан далолат беради.

3-жадвал

2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси импорти ҳажми, млн. доллар [14]

| Кўрсаткичлар | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|----------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Товар ва хизматлар импорти | 12137,6 | 14012,4 | 19439,3 | 24292,3 | 21153,8 |
| Товарлар импорти | 11328,4 | 12035,2 | 17312,3 | 21866,5 | 19932,4 |
| Шундан: | | | | | |
| Кимёвий маҳсулотлар | 2119,6 | 2187,0 | 2527,6 | 3201,7 | 3436,7 |
| Қора металллар | 813,8 | 1135,7 | 1579,8 | 1843,4 | 1473,6 |
| Рангли металллар | 106,7 | 139,3 | 193,5 | 273,5 | 277,7 |
| Энергетика ва нефть маҳсулотлари | 589,0 | 742,1 | 879,5 | 940,6 | 1106,9 |
| Машина ва асбоб-ускуналар | 5018,0 | 4997,0 | 8366,1 | 10633,4 | 8904,2 |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | 1439,7 | 1273,9 | 1581,6 | 1885,0 | 2159,6 |
| Хизматлар импорти | 809,2 | 1977,2 | 2127,0 | 2425,9 | 1221,4 |

3-жадвал маълумотларига мувофиқ, товарлар ва хизматлар импортида товарлар импорти асосий улушга эга бўлиб, унинг таркибида машина ва асбоб-ускуналар импорти асосий ўринга эга. Масалан, 2020 йилда машина ва асбоб-ускуналар импорти 8904,2 млн. АҚШ долларини, 2019 йилда эса 10633,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Импорт таркибида машина ва асбоб-ускуналар улушининг юқорилиги мамлакат истеъмоли учун ишлаб чиқариш машиналари ва оғир техниканинг асосий қисми импорт қилиниши билан боғлиқ. Яъни мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш техникалари

маънан эскиргани уларнинг аксарият қисми модернизация қилишга бўлган зарурат ҳолатининг асосий сабаби ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарга божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бериш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб

кириладиган технологик асбоб-ускуналар қуйидагиларни тўлашдан озод этилади [15]:

божхона божини тўлашдан:

имтиёз бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш контракти (шартномаси, келишуви) шартларида уларни етказиб бериш назарда тутилган бўлса, татбиқ этилади. Технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан 3 йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши божхона бождарини тўлаш мажбуриятлари тикланган ҳолда бекор қилинади;

қўшилган қиймат солиғидан:

Ўзбекистон айрим маҳсулотлар импорти учун тариф ва тарифсиз тўсиқларни ҳам белгилаган. Жумладан, фармацевтика маҳсулотларига нисбатан импорт қилинганда, ҚҚС 15 фоизли ставкани ташкил этади, тарифсиз тўсиқлар орасида санитария ва фитосанитария талаблари қўлланилади. Бундай усуллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва текстиль маҳсулотларига нисбатан ҳам қўлланилади [16].

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо фаолияти тўлиқ либераллаштирилмагани боис, мамлакатнинг устувор экспорт ва импорт тармоқлари ҳамда маҳсулотларига нисбатан турли ҳимоя чоратадбирлари қўлланилмоқда. Аммо мамлакат МДҲ эркин савдо зонаси, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўладиган бўлса, ташқи иқтисодий фаолиятга таҳдидлар кўпайиши мумкин. Масалан, интеграциянинг тарафдорларидан бўлмаганларнинг фикрига кўра, агар Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўладиган бўлса, мамлакат бозорига ташқи таъсирлар кучайиши ва ҳатто, айрим тармоқлар хорижий инвестор қўлига ўтиб кетиши ҳам мумкин [17].

Интеграция бўйича турли фикр ва мулоҳазаларга қарамадан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонида мувофиқ, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо давлат сифатида кириши бўйича чора-тадбирлар бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлишининг объектив заруратлари қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳамкорларининг аксарият қисми ЖСТга аъзо мамлакатлар эканлиги ва бу давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларда Ўзбекистон учинчи давлат сифатида эътироф этилиши, мамлакатимиздан экспорт қилинган товарларга нисбатан юқори бож ставкалари ҳамда нотариф тартибга

солиш усулларининг кенг жорий этилиши мамлакат экспорт салоҳиятига таъсир этиши;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро савдо қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этмаслиги сабабли ташқи савдо муносабатларида мунтазам равишда бошқа давлатларнинг дискриминацион сиёсати қоидаларига дуч келиши каби ҳолатларнинг учраб туриши.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиши мамлакатимиз учун қуйидаги имкониятларни беради:

– ташкилотнинг барча аъзо мамлакатлари бозорларига кириш учун тенг ҳуқуқли имконият пайдо бўлади;

– инвестициянинг барқарорлиги таъминланади;

– рақобат муҳити яхшиланади ва монополиянинг олди олинишига эришилади;

– инфляция даражаси камаяди;

– экспортёрларнинг ташқи савдода ҳуқуқи ҳимоя қилинади;

– савдо ҳамкорлари қабул қилинган халқаро стандартлар қоидаларига мувофиқ миллий стандартларни ишлаб чиқиш экспортёрларга чет эл бозори талабларига мослашишда ёрдам беради;

– жаҳон миқёсидаги савдо сиёсати бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи берилади, яъни ташкилот йиғилишида иштирок этадиган ҳар бир давлат ўз овозига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасида 11295 номдаги товарлар мавжуд бўлса, ЖСТга аъзолик жараёнида уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида музокаралар олиб борилади. Мақсад – экспорт ва импорт таркибидаги устувор товарларни танлаш. Яъни шундай товарлар борки, уларнинг бож ставкалари муайян давлат иқтисодиётига ҳеч қандай салбий таъсир қилмайди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун субсидия таъқиқланмаган, аммо аъзоликка қабул қилиниши жараёнида келишилган миқдордан ошмаслиги лозим. Шунингдек, ташкилотда кам ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш механизми сифатида тараққиёт дастури мавжуд бўлиб, мазкур йўналишдаги чоралардан кўзланган мақсад барча аъзо мамлакатлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган. Масалан, Хитой Халқ Республикасидек, савдо имкониятлари кенг мамлакат ҳам 2001 йилда ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида экспортни кредитлаш, экспорт кредитларига кафолат тақдим этиш, экспортни суғурталаш каби экспортни рағбатлантиришга йўналтирилган нотариф усуллар сақлаб қолинган эди [18].

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнидаги устувор мақсад ишлаб чиқарувчилар

нинг эҳтиёжлари учун арзон тарифлар ва нота-риф тўсиқларсиз хомашё ҳамда техника, асбоб-ускуналарни олиб кириш, шунингдек, молиявий ва ташкилий тўсиқларсиз жаҳон бозорига киришдир.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатнинг ЖСТ ва минтақавий интеграцияларга аъзо бўлиши АҚШ, Европа Иттифоқи сингари йирик бозорлардаги товар позициясини ортириш билан бирга, асосий савдо ҳамкорлари бўлган Марказий Осиё мамлакатлари (ЖСТ ва Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзолари) ва Россия билан техник-технологик ҳамда инвестицион ҳамкорликни, улар орқали ўтадиган транспорт-логистика салоҳиятини ҳам кенгайтириш имкониятига эга бўлади.

Юқорида олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- ташқи иқтисодий хавфсизликнинг мо-хияти ташқи иқтисодий фаолият натижалари-нинг мамлакат миллий манфаатларига мос келишидан иборат. Ташқи иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги сиёсат мамлакатнинг яхлит иқтисо-дий тузилмаси сифатида барқарор, мустақил ри-вожланиши, самарали ва оқилона ташқи иқти-содий алоқаларга асосланган табиий иқтисодий ўсиши, инсон фаолиятининг аксарият соҳалари-да инновацион инқилобни таъминлашга қара-тилган бўлиши керак. Ташқи иқтисодий хавф-сизликка эришиш рақобатбардошликни оши-риш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига мослашиши ва ҳоказолар билан боғлиқ;

- Ўзбекистон товарлар импорти таркиби-да машина ва асбоб-ускуналар, товарлар экспор-ти таркибида эса хомашё устунлик қилади. Бу эса мамлакат ишлаб чиқариш тармоғининг рақобатбардош эмаслигидан далолат беради;

- Ўзбекистон ташқи савдосида импорт экспортдан устунлик қилиши ташқи савдо сальдоосининг манфийлигидан далолат беради. Шунингдек, манфий сальдоонинг ортиб бориши мамлакат иқтисодиётининг импорт маҳсулотла-

рига қарам бўлиб қолишига олиб келиши мум-кин.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фао-лиятидаги хавфсизлигини таъминлашга доир қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

- импорт товарларига бўлган қарамликни камайтириб бориш мақсадга мувофиқ. Жумла-дан, импорт қилинаётган товарларнинг Ўзбе-кистонда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш. Масалан, машина ва асбоб-ускуналарнинг импортини қисқартириш мамлакат эҳтиёжида-ги машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқа-рувчи корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишга имтиёзлар бериш, ишлаб чиқа-ришда фойдаланиладиган хомашёнинг импорт божлари ва йиғимлари, қўшимча қиймат соли-ғисиз олиб кирилишига имконият тақдим этиш;

- Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлганидан сўнг, рақобатбардош бўлмаган, аммо мамлакат иқти-содиётида аҳамиятли бўлган корхоналарнинг фаолияти тўхтатилиши мумкин. Шу сабабли ташкилот билан музокаралар жараёнида мамла-кат иқтисодиёти учун аҳамиятли бўлган корхо-наларга имтиёзларни сақлаб қолиш лозим. Бу юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий хавф-ларни камайтиради;

- мамлакатнинг халқаро иқтисодий таш-килотларга аъзо бўлиши унга бошқа хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқда иқтисодий алоқаларни олиб бориш, арзон товарлар ва хомашёга эга бўлиш имконини беради. Аммо стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларни ҳимоя қилмасдан ва устувор манфаатдаги импорт маҳсулотларни аниқлаб олмасдан ту-риб, аъзолик ва интеграциялашувни амалга ошириш мамлакат иқтисодиёти, ишлаб чиқа-риш корхоналари ва аҳолининг иқтисодий таъ-минланиш даражасини хавф остига қўйиши мумкин. Шу сабабдан ҳам пухта ўйланган, стра-тегик режалаштирилган интеграциялашувни амалга ошириш зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 28 декабрь. // *Халқ сўзи*. 2018 йил 29 декабрь.
2. Ткаченко Е.В. *Безопасность внешнеэкономической деятельности*. // https://spravochnick.ru/vneshneekonomicheskaya_deyatelnost/bezopasnost_vneshneekonomicheskoy_deyatelnosti/ 24.11.2021;
3. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. *Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт*. – Т., 2019. 543-544-б.
4. Исроилов Б.И. ва Ибрагимов Б.Б. *Иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичларни аниқлаш масалалари*. // https://uza.uz/uz/posts/iqtisodiy-xavfsizlik-darazhasini-baholovchi-korsatkichlarni-aniqlash-masalalari_313034
5. Майлз Калер. (2004) *Экономическая безопасность в эпоху глобализации: определение и обеспечение*, *The Pacific Review*, 17: 4, 485-502, DOI: 10.1080 / 0951274042000326032.
6. *Экономическая безопасность. Учебник. Под редак. С.А.Коноваленко*. – М., 2021. Ст. 381-389.
7. Мишук Ольга Витальевна *Обеспечение экономической безопасности субъектов национальной экономики в условиях международной интеграции*. // *КНЖ*. 2015. № 4 (13). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obespechenie-ekonomicheskoy-bezopasnosti-subektov-natsionalnoy-ekonomiki-v-usloviyah-mezhdunarodnoy-integratsii> (дата обращения: 23.12.2021).

8. Бузрукова Г. (2010) Влияние интеграции на экономическую безопасность Российской Федерации. Автореф. дисс. <https://www.disscat.com/content/vliya'nie-integratsii-na-ekonomicheskuyu-bezopasnost-rossiiskoi-federatsii>
9. Ўзбекистоннинг 2021 йил январь-октябрь ойи учун ташқи савдоси. // <https://review.uz/oz/post/infografika-ozbekistonning-2021-yil-yanvar-fevral-oyi-uchun-tashqi-savdosi>, 23.11.2021 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
11. 2020 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 13,1 фоизга камайди. // <https://kun.uz/news/2021/01/21/2020-yilda-ozbekistonning-tashqi-savdo-aylanmasi-131-foizga-kamaydi> (Мурожжаат қилинган сана: 23.11.2021).
12. Узбекистан | Импорт и Экспорт | Весь мир | Все товары | Стоимость (долл. США) и Изменение стоимости, з/е (%) | 2017 – 2020 // <https://trendeconomy.ru/data/h2/Uzbekistan/TOTAL>, 24.11.2021 й.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/4805518>
14. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>, 25.11.2021 й.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарга божхона божини ва қўшилган қиймат солиғини бўйича имтиёزلар бериш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 750-сонли қарори. // <https://nrm.uz/content?doc=643382>
16. Хамидов Б. Комментарий ЦЭИР: фармацевтическая отрасль Узбекистана в условиях ЕАЭС // <https://review.uz/oz/post/farmaceuticheskaya-otrasl-uzbekistana-pri-vstuplenii-v-vto>
17. Грозит ли вступление в ЕАЭС «третьему Ренессансу» Узбекистана? // <https://cabar.asia/ru/grozit-li-vstuplenie-v-eaes-tretemu-renessansu-uzbekistana>, 03.12.2021 й.
18. Пардаев Т., Саломов С. Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишининг афзалликлари ва истiqболлари. // <https://www.customs.uz/uz/news/view/6545>, 25.11.2021 й.
19. Султанова Б.К. Формирование ЕЭП: состояние, проблемы, перспективы. – Алматы: КИСИ при Президенте РК, 2012. – 200 с.
20. Багдасарян К.М. Анализ модели экономической интеграции. // Журнал экономической теории. 2019. Т. 16. № 3. С. 352-361.